



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 1 » fevral

№ 47

Toshkent sh.

### **Кўп квартирали уйларни бошқаришни такомиллаштириш ва коммунал хизматлар кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 19 июндаги ПҚ–5152-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

#### **1. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси махсус ҳисобварағи маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги мулкдорларга мажбурий бадални тўлаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг электрон реестри ҳамда рейтингини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Кўп квартирали уйларни бошқариш учун бошқарувчи ташкилотни ёки бошқарувчини танлаш бўйича очик танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

#### **2. Белгилансинки:**

кўп квартирали уйлардаги мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун махсус ҳисобварақ очилади. Бунда махсус ҳисобварақ маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш

вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасида очилган бюджетдан ташқари **шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади ва белгиланган мақсадлар учун сарфланади;**

**“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”** ахборот тизимига киритилган **ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги мулкдорларга мажбурий бадални тўлаш учун субсидия ажратиб борилади.**

3. Молия вазирлиги бир ой муддатда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги турар жойларнинг мулкдорларига умумий мол-мулкни сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни таъмирлаш ҳамда кўп квартирали уйга туташ ер участкасини ободонлаштириш учун мажбурий бадални тўлаб бериш мақсадида субсидия ажратиш учун Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг “Mening uyim” ахборот тизими билан ахборот алмашувини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

Субсидия ажратиладиган кўп квартирали уйлардаги турар жойларнинг мулкдорларини аниқлаш жараёнида тафовутлар юзага келган тақдирда, Молия вазирлиги, Кадастр агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига уларни тезкор бартараф этиш учун амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

4. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги келиб тушган маълумотларни “Mening uyim” ахборот тизимидаги (кейинги ўринларда – биллинг тизими) маълумотлар билан умумлаштиради ва тафовут юзага келган тақдирда, уни 3 иш куни давомида бартараф этиш бўйича чоралар кўради.

5. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

ушбу қарор билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ ҳудудларда кўп квартирали уйларни бошқаришни янада такомиллаштириш борасида тизимли ишларни йўлга қўйсин ва ушбу талабларга қатъий риоя этилишини назорат қилиб борсин;

қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамияти бўйича аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 апрелга қадар электрон реестрни тўлиқ шакллантириш учун кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг барча маълумотларини электрон тизимга киритиш ишларини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоятлов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А.Арипов**

**Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш  
вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш  
жамғармаси махсус ҳисобварағи маблағларини шакллантириш  
ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма)да кўп квартирали уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун махсус ҳисобварақ (кейинги ўринларда – махсус ҳисобварақ) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Махсус ҳисобварақ маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Жамғармада очилган бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади ва ушбу Низомда белгиланган мақсадлар учун сарфланади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**махсус ҳисобварақ** – Жамғармада кўп квартирали уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари (кейинги ўринларда – таъмирлаш)ни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида очиладиган шахсий ҳисобварақ;

**таъмирлаш** – кўп квартирали уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш, шу жумладан, кўп квартирали уйларнинг том, фасад, кириш йўлаклари, уй ичи ва ертўладаги муҳандислик-коммуникацияларини таъмирлаш, код-қулфли темир эшик, кириш йўлакларида дераза ойналарини (фрамугаларни) ўрнатиш, туташ ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари;

**манзилли рўйхат** – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқиладиган ва Молия вазирлиги билан келишиладиган, унда таъмирланиши назарда тутилган кўп квартирали уйларнинг рўйхати (унда ҳудуд, манзил, объектда амалга ошириладиган иш турлари, таъмирлаш учун зарур бўлган маблағ миқдори, таъмирлаш муддати ва бошқа маълумотлар акс эттирилади);

**йиғма манзилли дастур** – манзилли рўйхатлар асосида республика бўйича умумлаштирилган ва молиялаштириш манбалари белгиланган ҳудудлар кесимидаги йиғма дастур;

**буюртмачи** – кўп квартирали уй-жойларни таъмирлаш ишларини (мукамал ва жорий таъмирлаш, шу жумладан, том, фасад, кириш йўлаклари, уй ичи ва ертўла муҳандислик-коммуникацияларини таъмирлаш, код-қулфли темир эшик, кириш йўлакларида дераза ойналарини (фрамугаларни) ўрнатиш, туташ ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари) амалга оширувчи ташкилот – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги “Кўп хонадонли уйлар, иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси ва унинг ҳудудий филиаллари;

**кўп квартирали уйдаги жойлар мулкдорлари** – кўп квартирали уйлардаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари.

4. Таъмирлаш ишлари кўп квартирали уйдаги жойлар мулкдорлари ёки уларнинг вакиллари томонидан умумий йиғилиш қарори асосида амалга оширилади.

5. Кўп квартирали уйларни таъмирлаш бўйича нуқсон далолатномалари ҳар ҳисобот йилидан олдинги йилнинг 1 ноябрига қадар кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорлари ёки уларнинг вакиллари иштирокида кўп квартирали уйларни бошқариш органлари томонидан ишлаб чиқилади ва Вазирликнинг ҳудудий бошқармаларига тақдим этилади.

6. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан кўп квартирали уйларни таъмирлаш бўйича нуқсон далолатномалари асосида ҳар ҳисобот йилидан олдинги йилнинг 1 декабрига қадар дастлабки манзилли рўйхат шакллантирилади ва туман (шаҳар) ҳокимликлари билан келишилган ҳолда, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бош бошқармаларига келишиш учун киритилади.

Дастлабки манзилли рўйхатни шакллантириш жараёнида мулкдорлар ҳисобидан шакллантирилиши талаб қилинадиган 30 фоиз миқдордаги маблағларни махсус ҳисобварақда шакллантириган кўп квартирали уйларга алоҳида эътибор қаратилади.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бош бошқармалари дастлабки манзилли рўйхатни 3 кун муддатда кўриб чиқиб, Вазирликнинг ҳудудий бошқармаларига киритади.

8. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ҳар ҳисобот йилидан олдинги йилнинг 10 декабрига қадар келишилган дастлабки манзилли рўйхат асосида лойиҳа-қидирув ишларининг харажатларини аниқлаб, Вазирликка киритади.

9. Вазирлик тақдим этилган дастлабки манзилли рўйхат асосида ҳисобот йилининг 1 февралига қадар Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва буюртмачилар билан биргаликда якуний манзилли рўйхатни шакллантиради.

10. Вазирлик буюртмачи билан биргаликда ҳисобот йилининг 1 мартага қадар якуний манзилли рўйхат асосида шакллантирилган йиғма манзилли дастурни Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тасдиқлаш учун киритади.

11. Кўп квартирали уйларни бошқариш органлари Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда манзилли рўйхатга киритилган таъмирлаш ишларига зарур бўлган дастлабки маблағларнинг 30 фоизи махсус ҳисобварақда шакллантирилишини ташкил этади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари билан тизими орқали маблағларнинг 30 фоизини махсус ҳисобварақда шакллантириб борилишини кузатиб боради.

Белгиланган 30 фоиз миқдоридаги маблағлар кўп квартирали уйларнинг мулкдорлари томонидан махсус ҳисобварақда тўлиқ шакллантирилгандан сўнг тасдиқланадиган манзилли дастурга киритилади.

12. Вазирлик тасдиқланган манзилли рўйхат асосида ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 февралига қадар дастлабки бўнак (аванс) маблағлари буюртмачига ўтказилишини таъминлайди (лойиҳа-қидирув ишлари ва бошқа харажатлар учун).

13. Буюртмачи Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 апрелига қадар таъмирлаш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов ёки тендерни ўтказади, келгуси йилнинг 1 майига қадар ғолиб билан шартнома тузади ва бўнак (аванс) маблағини тўлаб беради.

## **2-боб. Махсус ҳисобварақ маблағларини шакллантириш**

14. Махсус ҳисобварақ маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари;

кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорлари маблағлари;

махсус ҳисобварақнинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига депозитга қўйишдан олинган фоиз кўринишидаги даромадлар. Бунда мулкдорлар маблағлари ҳисобидан олинган фоиз маблағлари фақат тегишли кўп квартирали уйни таъмирлаш учун сарфланади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

ҳалқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар, бошқа донорларнинг грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

### **3-боб. Махсус ҳисобварақ маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари**

15. Махсус ҳисобварақ маблағлари қуйидаги мақсадларга йўналтирилади: таъмирлаш доирасида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш; кўп квартирали уйларни таъмирлаш;

буюртмачининг бошқа харажатларини (лойиҳа-қидирув ишлари, экспертиза, танлов ёки тендерни ўтказиш, техник назорат харажатлари, таъмирлаш билан боғлиқ бошқа харажатлар) молиялаштириш.

16. Махсус ҳисобварақ маблағларини ушбу Низомда назарда тутилмаган бошқа мақсадларда сарфлаш қатъиян тақиқланади.

Бунда танлов ёки тендер ҳамда (ёхуд) таъмирлашда иқтисод қилинган маблағлар кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорлари хоҳишига кўра, қўшимча таъмирлаш ишларига сарфланиши мумкин ёки кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ҳисобварағига мулкдорларнинг мажбурий бадал учун тўлови сифатида қайтарилади.

### **4-боб. Махсус ҳисобварақ маблағларини бошқариш**

17. Махсус ҳисобварақ маблағлари Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ёки вазир буйруғи билан масъул этиб белгиланган таркибий бўлинма (кейинги ўринларда – масъул бўлинма) томонидан бошқарилади.

18. Масъул бўлинма:

тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда таъмирлаш ишларининг ҳар йилги манзилли рўйхатларини шакллантиришда, зарур ҳолларда жойларга чиқиб иштирок этади;

манзилли рўйхатлар асосида амалга оширилаётган ишлар мониторингини юритади;

махсус ҳисобварақ тушумларини кўпайтириш ва мазкур маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

махсус ҳисобвараққа келиб тушган ва сарфланган маблағлар ҳисобини юритади;

ҳар ой, чорак, йил якуни бўйича махсус ҳисобварақ маблағларининг сарфланилиши тўғрисида ҳисобот тайёрлайди ҳамда раҳбариятга тақдим этади.

### **5-боб. Махсус ҳисобварақ маблағларини сарфлаш тартиби**

19. Махсус ҳисобварақ маблағлари Вазирликнинг тўлов топшириқномалари асосида Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан Вазирлик ҳудудий бошқармаларининг кўп квартирали турар жой фондиди таъмирлаш жамғармаларида очилган махсус ҳисобварақларга ўтказилади.

20. Вазирлик ҳудудий бошқармаларининг тўлов топшириқномалари асосида маблағ Молия вазирлиги Ғазначилигининг ҳудудий бошқармалари томонидан кўп квартирали уйларни таъмирлаш бўйича манзилли рўйхатларга мувофиқ, белгиланган тартибда буюртмачига ўтказилади.

21. Махсус ҳисобварақ маблағлари ҳисобидан таъмирлаш бўйича харажатларни амалга оширишда буюртмачилар томонидан қуйидагилар назарда тутилади:

йиғма манзилли дастурга асосан таъмирлаш учун бош лойиҳа ва бош пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича ўтказилган тендер ёки танлов натижаларига кўра тузилган шартномалар умумий қийматининг 30 фоизи (икки ойда тенг улушларда 15 фоиздан) миқдорида бўнак (аванс) маблағларини тўлаш;

ажратилган бўнак (аванс) пропорционал равишда ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда бажарилган ишлар қиймати миқдорида жорий молиялаштириш.

22. Махсус ҳисобварақ маблағлари ҳисобидан таъмирлашга маблағлар ажратилишида таъмирлаш умумий смета қийматининг:

30 фоизи – кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорлари маблағлари ҳисобидан;

70 фоизи – махсус ҳисобвараққа тенг улушларда республика бюджети ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан шакллантирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилишига қатъий риоя қилинади.

23. Жорий молия йилида тасдиқланган манзилли рўйхатларга мувофиқ таъмирлаш учун молиялаштирилмай қолган маблағлар махсус ҳисобварақ маблағлари ҳисобидан келгуси молия йилида тўланиши лозим.

24. Махсус ҳисобварақнинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари кейинги йилга ўтади.

25. Махсус ҳисобварақ маблағларини ушбу Низомда назарда тутилмаган бошқа мақсадлар учун сарфлаш ёки вақтинча олиб қўйиш тақиқланади.

#### **6-боб. Махсус ҳисобварақ маблағларининг ҳисоби, ҳисоботи ва уларни назорат қилиш**

26. Кўп квартирали уйларни бошқариш органлари томонидан ҳар бир кўп квартирали уй учун мажбурий бадалларнинг ёки тўловларнинг алоҳида ҳисоби юритилади.

27. Махсус ҳисобварақ маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар Вазирликнинг бюджетдан ташқари бошқа маблағларидан алоҳида юритилади.

28. Махсус ҳисобварақ маблағларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек, таъмирлаш бўйича манзилли рўйхатлар Вазирликнинг расмий веб-сайтида доимий равишда эълон қилиб борилади.



29. Назорат ўлчови ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмини аниқлаш мақсадида пудрат шартномасига мувофиқ куйидаги асосларга кўра ўтказилади:

буюртмачи, назорат органлари ёки бошқа манфаатдор органлар талабига кўра;

бош пудрат ташкилоти ташаббусига кўра;

буюртмачи ва бош пудрат ташкилотининг ўзаро келишувига кўра.

30. Махсус ҳисобварақ маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланилиши юзасидан назорат қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, шунингдек, бошқа масъул бўлинмалар томонидан амалга оширилади.

#### **7-боб. Яқунловчи қоида**


31. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

**Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини  
ривожлантириш жамғармаси махсус ҳисобварағи маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Кўп квартирали уйларни бошқариш органлари, кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорлари ёки уларнинг вакиллари	Кўп квартирали уйларни таъмирлаш бўйича нуқсон далолатномаларини ишлаб чиқиш ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига тақдим этиш.	Ҳар ҳисобот йилидан олдинги йилнинг 1 ноябрига қадар
2-босқич	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) ҳокимликлари	Дастлабки манзилли рўйхатни шакллантириш ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига келишиш учун киритиш.	Ҳар ҳисобот йилидан олдинги йилнинг 1 декабрига қадар
3-босқич	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари	Дастлабки манзилли рўйхатни кўриб чиқиб, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига киритиш.	3 кун муддатда
4-босқич	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари	Лойиҳа-қидирув ишларининг харажатларини аниқлаб, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига киритиш.	Ҳар ҳисобот йилидан олдинги йилнинг 10 декабрига қадар

02.02.2022-й.

5-босқич	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш Вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, буюртмачи	Яқуний манзилли рўйхатни (дастурни) шакллантириш ва Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тасдиқлаш учун киритиш.	Ҳар ҳисобот йилининг 1 мартага қадар
6-босқич	Кўп квартирали уйларни бошқариш органлари, Кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари	Манзилли рўйхатга киритилган кўп квартирали уй-жойларни таъмирлаш бўйича ҳисобланган дастлабки маблағларнинг 30 фоизи махсус ҳисобвараққа йўналтирилишини ташкил этиш.	Доимий равишда
7-босқич	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, буюртмачи	Тасдиқланган йиғма манзилли дастурга асосан дастлабки бўнак (аванс) маблағларини буюртмачига ўтказилишини таъминлаш (лойиҳа-қидирув ишлари ва бошқа харажатлар учун).	Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 февралига қадар
8-босқич	Буюртмачи, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари	Таъмирлаш учун қонунчиликда белгиланган тартибда танлов ёки тендер ўтказиш.	Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 апрелига қадар
9-босқич	Буюртмачи, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари	Танлов ёки тендер ғолиблари билан шартномалар тузиш ва бўнак (аванс) тўловларини тўлаш.	Келгуси йилнинг 1 майига қадар



Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил I феврал даги 47 -сон қарорига  
2-илова

**“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига  
киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги  
турар жойларнинг мулкдорларига мажбурий бадални тўлаш  
учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига (кейинги ўринларда – “Ягона реестр” АТ) киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги турар жойларнинг мулкдорларига умумий мол-мулкни сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни таъмирлаш ҳамда кўп квартирали уйга туташ ер участкасини ободонлаштириш учун мажбурий бадални (кейинги ўринларда – мажбурий бадал) тўлаш учун субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

**2-боб. Субсидия ажратиладиган кўп квартирали уйлардаги турар  
жойларнинг мулкдорларини аниқлаш тартиби**

2. Молия вазирлиги ҳар ойнинг 2-санасига қадар жорий ой ҳолати бўйича “Ягона реестр” АТга киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги турар жойларнинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига (кейинги ўринларда – Вазирлик) ахборот алмашуви тизими орқали электрон шаклда юборади.

3. Вазирлик келиб тушган маълумотларни “Mening uyim” ахборот тизимидаги (кейинги ўринларда – биллинг тизими) маълумотлар билан умумлаштиради ва тафовутлар юзага келган тақдирда, уларни 5 иш куни давомида бартараф этиш бўйича чоралар кўради.

Умумлаштирилган якуний маълумотлар Молия вазирлиги ва Вазирликнинг ҳудудий бошқармаларига тақдим қилинади.

**3-боб. Субсидия ажратиш тартиби**

4. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан умумлаштирилган якуний маълумотлар асосида икки иш куни давомида:

белгиланган тартибда субсидия ажратиш учун тегишли ғазначилик бўлинмаларида махсус ҳисобварақлар очилади;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига субсидия ажратиш бўйича сўровномалар юборилади.

5. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари беш иш куни давомида сўровномада кўрсатилган маблағларни “Темир дафтар”га киритилган оилаларни кўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жамғармалари ҳисобидан “Ягона реестр” АТга киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги турар жойларнинг мулкдорларига мажбурий бадал учун субсидия ажратиш мақсадида тегишли ғазначилик бўлинмаларида очилган махсус ҳисобвараққа ўтказиб беради.

Бунда туман (шаҳар) ҳокими субсидия учун зарур маблағлар тегишли молиялаштириш манбаларидан сарфланишини таъминлайди.

6. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари икки иш куни давомида махсус ҳисобвараққа келиб тушган маблағлар ҳисобидан “Ягона реестр” АТга киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги турар жойларнинг ҳар бир мулкдорлари учун биллинг тизими орқали уларга хизмат кўрсатувчи кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг ҳисобварақига мажбурий бадал учун субсидия тўловини ўтказиб беради.

Бунда мажбурий бадални қоплаб беришга мўлжалланган субсидия миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизидан кўп бўлмаган ҳолда тегишли мулкдорнинг кўп квартирали уйни бошқариш органидаги шахсий ҳисобварақига ўтказиб берилиши лозим.

7. Субсидия ажратилган ҳар бир мулкдорга биллинг тизими орқали тегишли ой учун субсидия ажратилганлиги тўғрисида SMS-хабарнома юборилади.

#### **4-боб. Ҳисобот юритиш тартиби**

8. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ҳар ойнинг 25-санасига қадар “Ягона реестр” АТга киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги турар жойларнинг мулкдорларига ажратилган субсидия ҳақидаги маълумотни (ҳисобот-жадвални) Вазирликка ҳамда тегишли туманлар (шаҳар) ҳокимлигига тақдим қилиб боради.

9. Вазирлик республика бўйича ажратилган субсидиялар тўғрисидаги маълумотларни ахборот алмашуви тизими орқали электрон шаклда субсидия ажратилган календарь ойининг охирига санасига қадар Молия вазирлигига тақдим қилиб боради.

#### **5-боб. Яқунловчи қоида**

10. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги турар жойларнинг мулкдорларига мажбурий бадални тўлаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида низомга 1-илова

**“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги турар жойларнинг мулкдорларига мажбурий бадални тўлаш учун субсидия ажратиш СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддат
<b>I. Маълумотларни шакллантириш</b>			
1-босқич	Молия вазирлиги	“Ягона реестр” АТга киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги турар жойларнинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига ахборот алмашуви тизими орқали электрон шаклда юбориш.	Ҳар ойнинг 2-санасига қадар
2-босқич	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Келиб тушган маълумотларни биллинг тизимидаги маълумотлар билан умумлаштириш, тавофутлар юзага келган тақдирда уларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳамда якуний маълумотларни Молия вазирлиги ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига тақдим қилиш.	2 иш куни давомида
<b>II. Субсидия ажратиш</b>			
3-босқич	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари	Умумлаштирилган якуний маълумотлар асосида мажбурий бадал тўловларини тўлаб беришга субсидия ажратиш учун ғазначиликда махсус ҳисобварақ очиш ва туман (шаҳар) ҳокимликларига сўровнома юбориш.	2 иш куни давомида
4-босқич	Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари	Сўровномада кўрсатилган маблағларни мутаносиб равишда “Саховат ва кўмак”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” жамғармалари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ажратиш, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига ўтказиб бериш.	5 иш куни давомида

5-босқич	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг худудий бошқармалари	Махсус ҳисобвараққа келиб тушган маблағларни кўп квартирали уйларда истиқомат қилувчи “Ягона реестр” АТга киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг мажбурий бадалларини тўлаб бериш учун субсидия тариқасида ажратиш.	2 иш куни давомида
6-босқич	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Биллинг тизими орқали тегишли ой учун мажбурий бадални тўлаш мақсадида субсидия ажратилганлиги тўғрисида субсидия ажратилган ҳар бир фуқарога SMS-хабарнома юбориш.	Автоматик равишда



“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп квартирали уйлардаги турар жойларнинг мулкдорларига мажбурий бадални тўлаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида низомга  
2-илова

\_\_\_\_\_

(сана)

\_\_\_\_\_

(туман (шаҳар) номи)

\_\_\_\_\_

(чиқиш рақами)

\_\_\_\_\_

ҲОКИМИГА

## СЎРОВНОМА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон қарорига мувофиқ, \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)да \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида \_\_\_\_\_ бирлик ижтимоий ҳимояга муҳтож оила(лар) кўп квартирали уйларда истиқомат қилмоқда (илова қилинади), уларнинг кўп квартирали уйларни бошқариш органи олдидаги мажбурий тўловлари \_\_\_\_\_ сўмни ташкил қилади.

Кўп квартирали уйларда истиқомат қилувчи “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг мажбурий бадалларини тўлаб бериш учун субсидия ажратиш мақсадида беш иш куни давомида бошқарманинг \_\_\_\_\_ фазначиликда очилган махсус ҳисобварағига \_\_\_\_\_ сўм маблағ ўтказиб беришингизни сўраймиз.

Бошқарма бошлиғи

(м.ў.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ I феврал даги 47 -сон қарорига  
3-илова

**Кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг  
электрон реестри ҳамда рейтингини шакллантириш  
ва юритиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг электрон реестри ҳамда рейтингини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**ваколатли давлат органи** – Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

**кўп квартирали уйларни бошқариш усуллари** – кўп квартирали уйларни бошқариш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

**бевосита** жойларнинг мулкдорлари томонидан;

юридик шахс бўлган бошқарувчи ташкилот томонидан ёки жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) бўлган бошқарувчи (бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи) томонидан шартнома асосида;

битта ёки зич жойлашган бир нечта кўп квартирали уйда турар жойларнинг ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорларини бирлаштирувчи уй-жой мулкдорларининг ширкати бўлган нотижорат ташкилот томонидан;

**кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг электрон реестри** (кейинги ўринларда – электрон реестр) – ваколатли давлат органи томонидан кўп квартирали уйларни бошқариш органлари тўғрисидаги маълумотларни юритиш учун мўлжалланган электрон маълумотлар базаси;

**рейтинг** – кўп квартирали уйдаги жойлар мулкдорларининг фикр-мулоҳазалари, солиқ, статистик ва бошқа ҳисоботлардаги мунтазам равишда янгиланиб туриладиган маълумотлар асосида автоматик равишда шаклланадиган кўп квартирали уйларни бошқариш органларини баҳолашнинг электрон тизими.

3. Электрон реестр ва рейтинг ваколатли давлат органи томонидан шакллантирилади ва унинг расмий веб-сайтига (кейинги ўринларда – веб-сайт) жойлаштирилади.

4. Электрон реестр ва рейтинг қуйидаги мақсадларда юритилади:

кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг ягона ва очиқ электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларини санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқ сақлаш талабларига ва улардан фойдаланишни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш;

кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларини сақлаш бўйича хизматларнинг сифатини ошириш.

5. Рейтинг республика ҳудудлари кесимида (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар бўйича) шакллантирилади.

## **2-боб. Кўп квартирали уйларни бошқариш органини электрон тизимда рўйхатдан ўтказиш тартиби**

6. Кўп квартирали уйларни бошқариш органи (кейинги ўринларда – бошқариш органи) ваколатли давлат органининг [kommunal.uz](http://kommunal.uz) веб-сайтида авторизациядан ўтиш учун электрон манзилга кирган ҳолда, “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими (кейинги ўринларда – идентификация тизими) орқали рўйхатдан ўтиши лозим.

7. Рўйхатдан ўтгандан сўнг, тақдим этилган маълумотлар идентификация тизимидаги юридик шахсларнинг маълумотлар базаси билан солиштирилиб, хатолар бўлмаган тақдирда, электрон реестрда рўйхатдан ўтказилади.

Бунда кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларини сақлаш жисмоний шахс томонидан амалга оширилса, идентификация тизимидаги маълумотларни текшириш талаб этилмайди.

8. Веб-сайтдаги бошқариш органининг идентификатори юридик шахс учун – солиқ тўловчининг идентификация рақами, жисмоний шахс учун – жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ҳисобланади.

9. Рўйхатдан ўтгандан сўнг автоматик равишда бошқариш органининг шахсий кабинети шакллантирилади ва унга кириш электрон рақамли имзо ёрдамида амалга оширилади.

10. Бошқариш органи тугатилган тақдирда, унинг шахсий кабинетига киритилган маълумотлар электрон реестрнинг архивига юборилади ва доимий сақланади.

## **3-боб. Электрон реестрни шакллантириш ва юритиш**

11. Бошқариш органи рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, қуйидаги маълумотларни шахсий кабинети орқали электрон реестрга жойлаштиради ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди:

бошқариш органининг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

бошқариш органи раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

бошқариш органида фаолият юритаётган камида икки нафар мутахассиснинг кўп квартирали уйни бошқариш бўйича малака (аттестация) сертификати нусхаси (pdf шаклда);

уйни бошқариш ҳақидаги кўп квартирали уйдаги жойлар мулкдорлари томонидан қабул қилинган умумий йиғилиш қарори ёки бошқарувчи ташкилот ёхуд бошқарувчини танлаш бўйича очиқ танлов натижалари бўйича тузилган баённома нусхаси (pdf шаклда).

12. Электрон реестрга кўшимча равишда қуйидаги маълумотлар киритилади:

диспетчерлик хизматининг телефон рақамлари, кўп квартирали уйлар рўйхати (майдони ва манзили), нотурар жойларнинг сони ва майдони, солиқ тўловчининг идентификация рақами (кейинги ўринларда – СТИР) ва бошқа зарур идентификация рақамлари, электрон почта манзили;

бошқарувдаги уйлар ва бошқа бинолар сони ва уларнинг жойлашуви, фойдаланишга топширилган йили ва асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар (лифтлар, кириш йўлаклари, болалар майдончалари, чиқинди тўплаш пунктлари, автотураргоҳлар сони, яшил майдонлар ҳажми, ички йўллар узунлиги);

кўп квартирали уйларнинг техник ҳолати ва конструктив элементлар тўғрисидаги маълумотлар (бинолар, таянч деворлар, том қопламаси, фасад, пойдевор қисмларининг қурилиш материаллари тури, ертўла майдони, шунингдек, мавжуд бўлса, ўтказилган инструментал текширувлар ва бахтсиз ҳодисалар сони тўғрисидаги маълумот);

кўп квартирали уйларнинг муҳандислик коммуникациялари тўғрисидаги маълумотлар (газ, электр энергияси, ичимлик, иссиқ ва оқова сув, иссиқлик энергияси таъминоти, вентиляция ва ўт ўчириш тизимининг мавжудлиги).

13. Ушбу Низомнинг 11 ва 12-бандларида кўрсатилган маълумотлар бошқариш органи томонидан киритилгандан сўнг, ушбу бошқариш органи автоматик тарзда электрон реестрга киритилади.

14. Ваколатли давлат органи томонидан бошқариш органи қуйидаги ҳолларда электрон реестрдан чиқарилади:

мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққоний эмаслиги аниқланган тақдирда;

бошқариш органи тугатилганда;

барча кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши томонидан уйни бошқаришдан бир томонлама воз кечиш ҳақида қарор қабул қилинганда.

Бунда ваколатли давлат органи бошқариш органига уни электрон реестрдан чиқариш ҳақида хабарнома юборади.

15. Кадастр органлари, сув, электр, газ, иссиқлик таъминоти ташкилотлари бошқариш органининг сўровига асосан уч кун муддат ичида ушбу Низомнинг 11 ва 12-бандларида кўрсатилган маълумотларни тақдим этиб боради.

16. Ваколатли давлат органи электрон реестр маълумотларининг доимий равишда янгиланиб бориши ва барча фойдаланиш учун очиқ бўлишини таъминлайди.

#### **4-боб. Бошқариш органлари рейтингини шакллантириш ва юритиш**

17. Бошқариш органларининг рейтингини ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ шакллантирилади.

18. Бошқариш органларини баҳолаш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган мезонлар асосида амалга оширилади.

19. Рейтингни шакллантириш ва ҳисоблаш учун:

а) кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорлари жалб қилинади, уларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинади.

Бунда жавоб ёки фикр қолдириш шахсий кабинет орқали мол-мулкнинг кадастр рақами ёхуд жой мулкдорининг мажбурий бадали бўйича шахсий ҳисобварағи кўринишидаги идентификатор ёрдамида амалга оширилади;

б) тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ваколатли давлат органига қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

Давлат солиқ қўмитаси томонидан – иш фаолияти тўғрисида (рўйхатга олинган сана, асосий воситаларининг қолдиқ қиймати, солиқ қарздорлиги, фойда солиғи тўлагунга қадар кўрилган фойда ёки зарар);

Давлат статистика қўмитаси томонидан – ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисида;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан – ходимларнинг умумий сони тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси томонидан – кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларини сақлаш билан боғлиқ қоидабузарликлар, уларни бартараф қилиш бўйича берилган кўрсатмаларнинг бажарилиши тўғрисида.

20. Ваколатли давлат органи тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

21. Бошқариш органлари рейтингини шакллантириш ва ҳисоблаш тартиби қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

Давлат статистика қўмитаси ҳар йили бир маротаба май ойининг 10-санасига қадар тақдим этиладиган бошқариш органлари томонидан давлат статистика ҳисоботи асосида ваколатли давлат органига кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг идентификация рақамлари (СТИР ва бошқа зарур идентификация рақамлари) билан бирга электрон рўйхатини юборади;

ваколатли давлат органи бошқариш органларининг электрон рўйхатини бир иш куни ичида ўз веб-сайтига жойлаштиради ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга маълумот тақдим этиш юзасидан сўровнома юборади;

Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар рейтингни шакллантириш учун зарур маълумотларни ваколатли давлат органига сўровдан кейинги 5 иш куни давомида тақдим этади. Давлат статистика қўмитаси зарур маълумотларни ҳар йили бир маротаба май ойининг 10-санасига қадар тақдим этади;

ваколатли давлат органи уч кун муддатда рейтингнинг автоматик равишда ўз веб-сайтида кўриб чиқилишини таъминлайди ва бир кун муддатда веб-сайтда унинг натижаларини эълон қилади.

22. Рейтинг балларини ҳисоблаш ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган Бошқариш органлари рейтинги бўйича услубий методика асосида амалга оширилади.

### **5-боб. Инсофсиз бошқарувчи ташкилотлар рўйхати**

23. Веб-сайтда кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларининг салбий мулоҳазалари асосида инсофсиз бошқариш органлари рўйхати шакллантирилади.

24. Инсофсиз бошқариш органлари рўйхатига сўнгги молиявий йил давомида кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларидан 51 фоиздан ортиқ салбий мулоҳазалар олган бошқариш органлари киради.

Бунда кўп квартирали уйдаги мулкдорлар салбий мулоҳазаларига сабаб бўлган муаммо ва камчиликлар бартараф этилган тақдирда, ушбу мулоҳазалар ҳисобга олинмайди.

25. Инсофсиз бошқариш органлари рўйхатига киритилган бошқариш органлари электрон реестрдан чиқарилган тақдирда, бир йил ичида электрон реестрга қайта кириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

### **6-боб. Яқунловчи қоида**

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг  
электрон реестри ҳамда бошқарувчи ташкилотлар  
рейтингини шакллантириш ва юритиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Бошқарувчи ташкилотлар рейтингини шакллантириш  
СХЕМАСИ**

<b>Босқич</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Амалга ошириладиган тадбирлар</b>	<b>Бажариш муддати</b>
1-босқич	Давлат статистика кўмитаси	Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган бошқариш органларининг идентификация рақамлари (СТИР ва бошқа зарур идентификация рақамлари) билан бирга электрон рўйхатини ваколатли давлат органига юборади.	Ҳар йили бир маротаба май ойининг 10-санасига қадар
2-босқич	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (ваколатли давлат органи)	Расмий веб-сайтига бошқарувчи ташкилотларнинг рўйхатини жойлаштиради ва тегишли вазирлик ва идораларга маълумот тақдим этиш юзасидан сўровнома юборади.	1 иш куни ичида
3-босқич	Давлат солиқ кўмитаси, Давлат статистика кўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар	Рейтингни шакллантириш учун зарур маълумотларни ваколатли давлат органига тақдим этади.	Ваколатли давлат органи сўровидан кейинги 5 кун давомида, Давлат статистика кўмитаси – ҳар йили бир маротаба май ойининг 10-санасига қадар
4-босқич	Ваколатли давлат органи	Бошқарувчи ташкилотлар рейтингини автоматик равишда ҳисоблаб чиқишни таъминлайди.	3 кун давомида
5-босқич	Ваколатли давлат органи	Расмий веб-сайтида бошқарувчи ташкилотларнинг рейтинг натижаларини эълон қилади.	1 кун ичида

Кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг  
электрон реестри ҳамда бошқарувчи ташкилотлар  
рейтингини шакллантириш ва юритиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Бошқарувчи ташкилотларни баҳолаш мезонлари**

<b>Т/р</b>	<b>Мезон</b>	<b>Улуши</b>
1	Кўп квартирали уйлардаги жойларнинг мулкдорлари мулоҳазалари	60%
2	Иш фаолияти	7%
3	Ходимларнинг умумий сони	6%
4	Асосий воситаларининг қолдиқ қиймати	5%
5	Солиқ қарздорлиги	5%
6	Кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларини сақлаш билан боғлиқ қоидабузарликлар бўйича кўрсатмалар сони	2,5%
7	Кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларини сақлаш билан боғлиқ қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича кўрсатмалар бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар	2,5%
8	Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда	4%
9	Фойда солиғи тўлагунга қадар зарар	4%
10	Ходимларнинг ўртача иш ҳақи	4%
<b>ЖАМИ:</b>		<b>100%</b>

**Изоҳ:** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган чет эл бошқарувчи ташкилотлари фақат биринчи мезон бўйича баҳоланади.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ I ” февралдаги 47 -сон қарорига  
4-илова

**Кўп квартирали уйларни бошқариш учун бошқарувчи  
ташкилот ёки бошқарувчини танлаш бўйича  
очиқ танлов ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом кўп квартирали уйларни бошқариш учун бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчини танлаш бўйича очиқ танлов (кейинги ўринларда – танлов) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**танлов** – танлов ҳужжатида қайд этилган кўп квартирали уй(лар)ни бошқариш учун ишлар (хизматлар)ни бажариш (кўрсатиш)га энг мақбул бўлган таклифни берган бошқарувчи ташкилотни ёки бошқарувчини аниқлаш тартиб-тамойили;

**танлов предмети** – танлов объектига нисбатан кўп квартирали уйни бошқариш шартномасини тузиш ҳуқуқи;

**танлов объекти** – танлов ўтказилаётган кўп квартирали уй-жой мулкдорларининг умумий мулкни бошқариш ҳуқуқи;

**мажбурий бадал** – кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш, уни жорий ва мукамал таъмирлаш ҳамда кўп квартирали уйга туташ ер участкасини сақлаш, шу жумладан ободонлаштириш харажатлари учун жойлар мулкдорлари томонидан тўланадиган тўлов;

**танлов ташкилотчиси** – Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ва Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси;

**оферент** – кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларини сақлаш бўйича танловдан манфаатдор бўлган, кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг рейтингига киритилган ва танлов таклифини тақдим этган бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи;

**рейтинг** – кўп квартирали уй-жой мулкдорларининг фикр-мулоҳазалари, солиқ, статистик ва бошқа ҳисоботлардаги мунтазам равишда янгиланиб турадиган маълумотлар асосида автоматик равишда шаклландиган кўп квартирали уйларни бошқариш органлари баҳолашнинг электрон тизими;

**танлов ҳужжатлари** – танлов предметининг молиявий, тижорат, ташкилий ва бошқа тавсифлари ҳамда танловни ташкил этиш шартлари ва ўтказиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги дастлабки ахборотни ўз ичига олувчи, танлов ташкилотчиси томонидан тайёрланадиган ҳужжатлар тўплами;

**танлов таклифи** – танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ танлов предметига нисбатан оферент томонидан тақдим этилган таклиф;

**танлов таклифини таъминлаш кафолат суммаси** (кейинги ўринларда – таъминот суммаси) – танлов ташкилотчисининг талабига биноан оферент томонидан таклифлар ва мажбуриятларнинг гаров, кафолат тарзида ёхуд қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши;

**хабарнома** – танлов ташкилотчиси томонидан оферентга юбориладиган, уни танлов ғолиби деб эътироф этиш ва шартнома тузишга розилик бериш тўғрисидаги ёзма хабарнома;

**захирадаги ғолиб** – танлов якунларига асосан танлов комиссиясининг қарори билан ғолиб деб эътироф этилган оферентнинг танлов таклифидан сўнг танлов таклифи энг мақбул деб топилган оферент.

### 3. Танлов куйидаги ҳолларда ўтказилади:

кўп квартирали уй фойдаланишга қабул қилинган кундан эътиборан уч ой муддатда кўп квартирали уй-жой мулкдорлари томонидан кўп квартирали уйни бошқариш усулини танлаш бўйича умумий йиғилиш ўтказилмаганда ёки бошқариш усулини танлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаганда;

бошқариш усулини танлаш масаласи бўйича кўп квартирали уй-жой мулкдорлари умумий йиғилишини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида суд қарори кучга киргандан сўнг уч ойдан кейин қайта умумий йиғилиш ўтказилмаганда ёки бошқариш усулини танлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинмаганда;

“Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, кўп квартирали уй бевосита жойларнинг мулкдорлари томонидан бошқарилганда умумий мол-мулкни сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни таъмирлаш бўйича уй-жой, коммунал соҳадаги ташкилотлар билан хизматлар кўрсатишга доир шартнома жойлар мулкдорлари умумий йиғилишининг қарори асосида кўп квартирали уй кенгашининг раиси томонидан тузилмаганда;

қонунчилик ҳужжатларда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

### 4. Танлов куйидаги тартибда амалга оширилади:

танлов ташкилотчиси томонидан танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

танлов комиссияси таркиби тасдиқланади;

танлов ташкилотчиси томонидан танлов ўтказиш ҳақида эълон берилади;

танлов ҳужжатлари оферентлар томонидан юклаб олиш учун Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади;

танлов таклифлари қабул қилинади;

танлов ташкилотчиси томонидан танлов ўтказилади;

ҳисоблаш натижалари бўйича баённома тузилади ва танлов ғолиби эълон қилинади;

баённома тўғрисида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайти ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон берилади;

кўп квартирали уй-жой мулкдорлари танлов натижалари ҳақида хабардор қилинади;

танлов ғолиби билан шартнома тузилади.

5. Танлов қуйидаги тамойилларга асосланади:

танловда иштирок этиш учун тенг шароитлар яратиш;

коррупцияга йўл қўймаслик;

ҳалол рақобат;

танлов ўтказиш тўғрисидаги ахборотни олиш эркинлиги.

6. Танлов бир ёки бир нечта кўп квартирали уйларни бошқариш мақсадида шартномалар тузиш ҳуқуқи учун ўтказилади. Агар икки ва ундан ортиқ кўп квартирали уйларни бошқаришга шартномалар тузиш ҳуқуқи учун танлов ўтказилса, бундай кўп квартирали уйлар ўзаро туташ бўлган ҳудудда жойлашган бўлиши лозим.

Танлов бўйича ғолиб бўлган оферент мазкур ҳудудда жойлашган якка тартибда қурилган уйларга, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ташкилотларга (объектлар) шартнома асосида хизмат кўрсатиши мумкин.

7. Танловни ўтказиш кунига қадар кўп квартирали уйдаги жойлар мулкдорлари томонидан кўп квартирали уйни бошқариш усулини танлаш ҳақида қарор қабул қилиниб, мазкур қарор амалга оширилган бўлса, танлов бекор қилинган ҳисобланади.

8. Танлов ташкилотчиси ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган қарор қабул қилинганлиги ҳақида унга маълум бўлган кундан бошлаб уч кун давомида танлов бекор қилинганлиги ҳақидаги маълумотни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситаларига жойлаштиради.

9. Танлов ташкилотчиси танлов бекор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди, танлов ташкилотчисининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида танлов бекор қилинган ҳолатлар бундан мустасно.

## **2-боб. Танлов иштирокчилари**

10. Танлов ташкилотчиси, танлов комиссияси ва оферентлар (кейинги ўринларда – танлов иштирокчилари) танловнинг иштирокчилари ҳисобланади.

11. Танлов ташкилотчиси:

мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган ҳоллар мавжуд бўлганда, танловни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади;

танлов ўтказилиши эълон қилингандан кейин 5 иш кунидан кечиктирмай ваколат муддати 2 йилдан ортиқ бўлмаган танлов комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади, унинг таркиби ва иш тартибини белгилайди, комиссия раисини тайинлайди;

танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ва танловни ўтказиш учун ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда уларни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайти ёки бошқа оммавий ахборот воситаларига жойлаштиради;

оферентларнинг танлов ҳужжатларидан фойдаланишни таъминлайди;

танловни ўтказиш санасини белгилайди;

танлов комиссияси аъзоларининг танлов таклифларини ўрганишни таъминлайди;

танлов комиссиясининг танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари тўғрисидаги баённомани расмийлаштиради;

танлов ғолиблари ҳақидаги ахборотни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштиради;

кўп квартирالي уйлардаги жойлар мулкдорлари ҳамда танлов ғолиби билан шартнома тузилишини ташкил қилади.

12. Танловни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар таъминот суммалари ва танлов ташкилотчисининг бошқа манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ва таъминот суммаси миқдорлари Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг буйруғи асосида белгиланади.

13. Танлов комиссияси:

танлов таклифларини қабул қилишнинг охириги куни ва вақтини белгилайди;

танлов таклифларининг тўғри расмийлаштирилганлигини текширади;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мувофиқ танлов таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва баҳолайди.

14. Танлов комиссияси иши танлов ташкилотчиси томонидан тайинланган танлов комиссияси раиси томонидан назорат қилинади.

15. Танловда комиссияси аъзолари умумий сонининг 50 фоизидан ортиғи иштирок этса, танлов комиссияси ваколатли ҳисобланади. Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши ёки қарши овоз бериши мумкин.

Танлов комиссияси аъзоси қарши овоз берганда, баённомада асосланган тушунтириш қолдириши шарт.

16. Танлов комиссиясининг қарорлари унинг йиғилишида иштирок этган танлов комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар овозлар тенг бўлса, қарор танлов комиссияси раиси томонидан қабул қилинади.

17. Танлов комиссиясининг қарорлари танловда иштирок этган танлов комиссияси аъзолари томонидан имзоланган баённомалар билан тасдиқланган кунда қабул қилинади. Баённомаларни қалам билан тўлдириш ва уларга тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди.

18. Танлов комиссияси йиғилишларида оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этишлари мумкин.

19. Танлов комиссияси томонидан танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган маълумотларни оферентлардан талаб этишга йўл қўйилмайди. Танлов комиссияси оферентларнинг тижорат сирлари махфийлигини таъминлайди.

20. Танлов иштирокчилари ёки улар ваколат берган бошқа шахслар танловда иштирок этадилар.

21. Танлов таклифлари танлов комиссиясининг йиғилишида очилади.

22. Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси оферентлар таклифларини қабул қилиш муддати тугаган кунга қадар танлов иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайтига киритиши шарт.

23. Танлов иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятга эга алоқалари бўлган ва/ёки тугатиш, банкротлик босқичида бўлган оферентлар танловга қўйилмайди.

### **3-боб. Танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонни жойлаштириш тартиби**

24. Танлов ташкилотчиси томонидан мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган ҳолларда танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва уч кун давомида танлов ўтказиш ҳақидаги эълон (кейинги ўринларда – эълон) Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилади.

25. Эълонга қуйидаги маълумотлар киритилади:

ишнинг (хизматнинг) батафсил тавсифи;

танлов предметининг қиймати;

оферентларга нисбатан қўйиладиган талаблар;

таклифларни юбориш муддати тугайдиган сана ва вақт;

танловни ўтказиш жойи;

таъминот суммаси.

26. Оферентлардан таклифларни қабул қилиш муддати Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайти ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон берилган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.

#### **4-боб. Танлов ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби**

27. Танлов ташкилотчиси танлов ҳужжатларини тасдиқлайди ва эълон билан бир вақтда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайти ёки бошқа оммавий ахборот воситаларига жойлаштиради.

28. Танлов ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ оферентнинг ишлар (хизматлар)ни бажариш учун нарх таклифи;

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ оферентларни баҳолаш мезонлари;

мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларини сақлаш билан боғлиқ ишлар (хизматлар) рўйхати;

танловга таклифлар тақдим қилинганда, кафолат сифатида базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдоридаги маблағ танлов ташкилотчисининг махсус жамғармасига йўналтирилганини тасдиқловчи ҳужжат;

агар танловда кўрсатилган ишларни бажариш (хизматларни кўрсатиш) билан боғлиқ фаолият қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ лицензияланадиган бўлса, тегишли лицензия нусхаси;

танловда иштирок этиш учун таъминот суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

кўп квартирали уйни бошқариш бўйича шартнома лойиҳаси.

29. Кўп квартирали уйни бошқариш шартномасида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

ўзига нисбатан бошқарув амалга ошириладиган умумий мол-мулкнинг таркиби, кўп квартирали уйнинг манзили;

умумий мол-мулкни сақлашга, ундан фойдаланишга ва уни таъмирлашга оид хизматлар ҳамда бажариладиган ишлар рўйхати, мазкур рўйхатни ўзгартириш тартиби;

шартнома нархини белгилаш, шунингдек, тўловни тўлаб бериш тартиби;

шартнома бўйича мажбуриятларнинг бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи томонидан бажарилишини назорат қилиш тартиби;

бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун ҳисобот бериш тартиби ва муддатлари.

30. Танлов ташкилотчиси танлов комиссияси билан келишилган ҳолда, танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарорни оферентларнинг таклифларини қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қабул қилишга ҳақли.

Бунда оферентларнинг таклифларини қабул қилиш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан бошлаб камида беш иш кунига узайтирилади. Агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, эълонга ўзгартиришлар киритилади.

31. Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш жараёнида танлов предметини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

32. Зарур ҳолларда танлов ташкилотчиси танлов комиссиясининг ташаббуси билан танлов комиссияси қарори асосида танлов таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш ёки оферентларга уларнинг танлов таклифлари амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида таклиф билан муурожаат қилиши мумкин.

33. Танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар оферент ўз таклифларига ўзгартиришлар киритиш ёки қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

### **5-боб. Танлов таклифини бериш тартиби**

34. Танлов таклифлари қуйидаги шаклларда эълонда белгиланган муддатдан кечиктирмай берилади:

муҳрланган конвертда;

оферент томонидан танлов ҳужжатларини (“pdf” шаклда) Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайтига юклаш йўли билан.

35. Оферентлар томонидан танлов таклифлари тақдим қилинганда, кафолат сифатида базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдоридаги маблағ танлов ташкилотчисининг махсус жамғармасига йўналтирилади.

36. Танлов таклифларининг қабул қилиниши эълонда кўрсатилган вақтда тўхтатилади.

37. Танлов ҳужжатлари бўйича тушунтириш олиш мақсадида оферентлар томонидан юбориладиган муурожаатларни қабул қилиш танлов ташкилотчиси томонидан эълонда белгиланган тугаш муддатидан икки кун олдин тўхтатилади.

Келиб тушган барча муурожаатларга танлов ташкилотчиси томонидан икки кун муддатда тушунтиришлар берилиши шарт.

### **6-боб. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби**

38. Танлов таклифларини тақдим этиш муддати тугаганда танлов комиссияси оферентлар иштирокида муҳрланган конвертлардаги танлов таклифларини очади ва бу ҳақда баённома расмийлаштиради. Келиб тушган танлов таклифлари конвертлар очилган кундан бошлаб беш кун ичида кўриб чиқилади.

39. Танлов комиссияси қуйидаги ҳолларда танлов таклифларини рад этади:

танлов таклифлари танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганда;

оферентнинг комиссия аъзоси билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлса, шунингдек, банкротлик ёки тугатиш босқичида бўлса ҳамда оферентнинг фаолияти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тегишли органлар томонидан тўхтатилган бўлса.

40. Танлов қуйидаги ҳолларда амалга ошмаган деб ҳисобланади:

бирорта оферент иштирок этмаган тақдирда. Бундай ҳолатда танлов ташкилотчиси танловни танлов ҳужжатларида белгиланган шартларда ва ишларга (хизматларга) доир айна ўша талабларга мувофиқ такроран ўтказиши шарт. Бунда танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишга, рейтинг баҳоси қисмидаги оферентнинг танловга кириш талабини пасайтиришга йўл қўйилади;

танлов таклифларини кўриб чиқиш натижалари бўйича танлов комиссияси барча танлов таклифларини рад этса;

ғолиб ва захирадаги ғолиб шартнома тузишни рад этса.

Танлов амалга ошмаган деб ҳисобланган тақдирда, танловни белгиланган тартибда такроран ўтказиш бўйича эълон берилади.

41. Баҳолаш мезонлари асосида йиғилган умумий баллар натижаларига кўра танлов ғолиби ва захирадаги ғолиб аниқланади.

42. Танлов ғолибини аниқлаш якунларига кўра, танлов комиссияси аъзолари бир иш куни ичида баённомани икки нусхада тузади ва тасдиқлайди. Танлов ташкилотчиси уч кун давомида тасдиқланган баённоманинг бир нусхасини кўп квартирали уйни бошқариш шартномаси лойиҳаси билан бирга танлов ғолибига тақдим этади. Баённомадан кўчирма Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

43. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш ҳақидаги баённомада қуйидагилар акс эттирилади:

танлов таклифларини кўриб чиқиш, баҳолаш санаси ва вақти;

танлов комиссияси иштирок этган аъзолар ва оферентлар ваколатли вакиллари таркиби;

танлов таклифларини баҳолаш натижаси;

қабул қилинган қарор, танлов ғолиби ва захирадаги ғолиб ҳақидаги маълумот.

44. Оферент танлов якунлари бўйича тушунтириш бериш ҳақида танлов ташкилотчисига сўровнома беришга ҳақли. Танлов ташкилотчиси сўровнома келиб тушган кундан бошлаб икки кун давомида ёзма шаклда тушунтириш беради.



45. Оферент танлов натижалари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

46. Танловни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар, шу билан бирга баённомалар, танлов ҳужжатлари, унга берилган тушунтиришлар, танловни ўтказиш билан боғлиқ бўлган аудио ва видеоёзувлар танлов ташкилотчиси томонидан уч йил давомида сақланади.

47. Танлов ташкилотчиси баённома тасдиқланган кундан бошлаб бу ҳақда ўн кун давомида барча кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларини танлов натижалари ва шартнома лойиҳасини кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларига қулай бўлган жойларда – кўп квартирали уйларга кириш йўлакларидаги ва/ёки туташ ҳудудидаги эълонлар тахтасида жойлаштириш орқали огоҳлантиради.

### **7-боб. Танлов натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби**

48. Танлов ташкилотчиси танлов ғолиби эълон қилинган пайтдан бошлаб икки иш куни давомида унга танлов яқунларига кўра хабарномани тақдим қилади. Хабарнома юборилган вақтдан бошлаб танлов тугалланган ҳисобланади.

49. Хабарнома танлов бекор қилинмаган ҳамда танлов тартиб-таомиллари бузилмаган тақдирда юборилиши мумкин.

50. Танлов ғолиби танлов ҳужжатлари ва танлов таклифида кўрсатилган шартлар асосида ўзи томонидан имзоланган шартномани танлов ғолиби эълон қилинган пайтдан бошлаб танлов ташкилотчисига ва кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларига ўн кун муддатдан кечиктирмай тақдим қилади.

51. Танлов ғолиби хабарномани тасдиқлашдан ёки мазкур Низомнинг 50-бандида белгиланган муддатларда ўзи томонидан имзоланган шартномани кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларига ва танлов ташкилотчисига тақдим этмаса, танлов ғолиби шартнома тузишдан бош тортган деб ҳисобланади ва кўп квартирали уйни бошқариш шартномасини имзолаш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади.

52. Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга таъминот суммаси қайтариб берилмайди. Агар танлов комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Агар танлов комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, танлов амалга ошмаган деб ҳисобланади ва танлов такроран ўтказилиши эълон қилинади.

53. Танлов ғолиби (агар шартнома тузишдан бош тортган бўлса, захирадаги ғолиб) томонидан мазкур Низомнинг 53-бандига мувофиқ кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларига юборилган кўп квартирали уйни бошқариш шартномаси бир ой давомида имзоланмаган тақдирда, мазкур шартнома танлов шартлари асосида тузилган деб ҳисобланади.

#### **8-боб. Танлов ташкилотчиси ва танлов иштирокчиларининг жавобгарлиги**

54. Танлов ташкилотчиси қуйидагилар учун жавоб беради:

танлов тартиби бузилмаслиги;

оферентлар тўғрисидаги тақдим этилган маълумотларга ўзгартиришлар киритилмаганлиги;

танлов таклифларининг уч йил давомида хавфсиз сақланиши;

ғолиб деб топилмаган оферентларга танлов таклифини таъминлаш кафолат суммасининг ўз вақтида қайтарилиши;

танлов комиссиясининг танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари тўғрисидаги баённомани ўз вақтида расмийлаштириш ва танлов ғолиблари ҳақидаги ахборотни Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг расмий веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситаларига жойлаштириш.

55. Танлов комиссияси томонидан қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

оферентдан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни асоссиз талаб қилиш;

оферентларнинг тижорат сирини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқлари бузилиши;

танлов иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалари бўлган, шунингдек, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган оферентларнинг танловда иштирок этишга йўл қўйиш;

оферентни танловда иштирок этишдан асоссиз равишда четлатиш;

танлов ҳужжатларини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш муддатларини ўзгартириш.

56. Оферент ўзи томонидан тақдим этилган маълумотлар ҳаққонийлиги ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

#### **9-боб. Яқунловчи қоидалар**

57. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Кўп квартирали уйларни бошқариш учун  
бошқарувчи ташкилотни ёки бошқарувчини  
танлаш бўйича очик танлов ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**НАМУНА**

---

*(оферент номи (бошқарувчи ташкилот учун – ташкилот номи,  
бошқарувчи учун – фамилияси, исми, отасининг исми)*

**Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун  
НАРХ ТАКЛИФИ  
(1-шакл)**

---

*(ишлар, хизматлар номи)*

1. Биз (мен) қуйида имзо чекувчи, кўп квартирали уйлар жойлашган ҳудудни, танловнинг умумий, техник ва тижорат талабларини ўрганиб чиққанлигимизни тасдиқлаймиз ҳамда танлов шартларига мувофиқ барча ишларни

---

*(рақам ва ёзув билан, ҚҚС билан)*

сўмга бажариш ва тугатишни ҳамда барча аниқланган нуқсонларни белгиланган вақтда бартараф этишни таклиф этамиз (этаман).

2. Танлов таклифимиз қабул қилинган тақдирда, шартномада белгиланган тартибда ишларни бошлаш мажбуриятини оламиз.

3. Танлов таклифимиз (таклифим) баҳолаш учун очилган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ календарь кун мобайнида ҳақиқийдир.

*(рақам ва ёзув билан)*

4. Қабул қилинган хабарнома Сиз билан расмий шартнома тузишга мажбурлигимизни (мажбурлигимни) тасдиқлайди.

5. Танлов ташкилотчиси ва танлов комиссияси бошқа иштирокчилар томонидан тақдим этилган танлов таклифларидан энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигига розилик билдирамыз (билдираман).

6. Шартнома мажбуриятларининг бажарилиши ҳақидаги мониторинг маълумотлари танлов ташкилотчисига белгиланган шаклда, ишлар (хизматлар)ни бажаришнинг бутун даври мобайнида ҳар ойнинг 2-санасига қадар тақдим этиб борилишини кафолатлаймиз.

**Бошқарувчи ташкилот раҳбари  
ёки бошқарувчининг Ф.И.О.**

---

*(имзо)*

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Кўп квартирали уйларни бошқариш учун  
бошқарувчи ташкилотни ёки бошқарувчини  
танлаш бўйича очиқ танлов ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Оферентларни баҳолаш мезонлари\***  
(2-шакл)

Т/р	Мезонлар	Тақдим қилиш тартиби
1	Кўп квартирали уйни бошқариш бўйича шартноманинг мавжудлиги (уйдаги квартиралар сони)	Шартнома нусхаси тақдим қилинади
2	Кўрсатиладиган хизматлар рўйхати	Раҳбар имзоси билан тасдиқланган хизматлар рўйхати ҳар бир хизмат нархларининг ҳисоб-китоби илова қилинган ҳолда тақдим этилади
3	Бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи сифатидаги иш тажрибаси	Уй-жой фонди инспекцияси томонидан тасдиқланади
4	Ходимлар сони, шу жумладан, техник ходимлар сони	Ходимлар жадвали тақдим этилади
5	Техник ходимларининг сертификатларга эгаллиги	Сертификатлар нусхалари илова қилинади
6	Авария-диспетчерлик хизматининг мавжудлиги (телефон рақами)	Жойлар мулкдорлари томонидан тасдиқланади
7	Моддий-техник базанинг мавжудлиги (бинолар майдони/сони, кичик механизация воситалари ва жиҳозларининг сони)	Раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланган бинолар, жиҳозлар ва кичик механизация воситалари рўйхати тақдим қилинади
8	Биллинг тизимининг мавжудлиги	Жойлар мулкдорлари томонидан тасдиқланади

*\*) Ушбу мезонлар кўп квартирали уйдаги жойлар мулкдорларининг талабларига кўра ўзгартирилиши мумкин.*



Кўп квартирали уйларни бошқариш учун  
бошқарувчи ташкилотни ёки бошқарувчини  
танлаш бўйича очиқ танлов ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

**Кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларини  
сақлаш билан боғлиқ ишлар (хизматлар)  
РЎЙХАТИ  
(3-шакл)**

Т/р	Ишлар (хизматлар) тури*	Нархи, сўм/кв.м
1	Кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларини бошқариш хизматлари	
2	Кўп квартирали уйнинг умумий мулки худудида тозалаш ва ободонлаштириш	
3	Кўп квартирали уйларга туташ ер участкалари худудини тозалаш ва ободонлаштириш (шу жумладан, агротехник тадбирлар)	
4	Лифт ускуналарини сақлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш	
5	Ички ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш тизимларига техник хизмат кўрсатиш (мансублик чегаралари доирасида)	
6	Ички иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимларига техник хизмат кўрсатиш (мансублик чегаралари доирасида)	
7	Ички электр таъминоти тизимларига техник хизмат кўрсатиш (мансублик чегаралари доирасида)	
8	Ички вентиляция тизимларига техник хизмат кўрсатиш	
9	Видеокүзатув	
10	Қўриқлаш хизмати	
11	Кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш	
12	Дератизация ва дезинфекция хизмати	
13	Кўп квартирали уйни таъмирлаш, шу жумладан: кириш йўлакларидagi ойналарни алмаштириш; темир қулфли эшик ўрнатиш; фасадни бўяш; ертўла ва йўлақлардаги ички муҳандислик коммуникацияларини тиклаш (мансублик чегаралари доирасида); томни таъмирлаш; бошқа турдаги ишлар.	
<b>Жами, ишлар (хизматлар)нинг умумий қиймати</b>		

*\*) Ушбу ишлар (хизматлар) тури кўп квартирали уйдаги жойлар мулкдорларининг талабларига кўра ўзгартирилиши мумкин.*